

**ҚОРАҚАЛПОҒИСТОН ТИББИЁТ ИНСТИТУТИ ҲУЗУРИДАГИ  
PhD.04/30.06.2020.ТІВ.І16.01 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР  
БЕРУВЧИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

---

**БУХОРО ДАВЛАТ ТИББИЁТ ИНСТИТУТИ**

**РЕЙМОВА МИНАЙЫМ КАЛМУРЗАЕВНА**

**ҲОМИЛАДОР АЁЛЛАРДА ТУРЛИ ХИЛ ШИКАСТЛАНИШЛАРНИНГ  
АКУШЕРЛИК ЖИҲАТЛАРИ**

**14.00.01 – Акушерлик ва гинекология**

**ТИББИЁТ ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD) ДИССЕРТАЦИЯСИ  
АВТОРЕФЕРАТИ**

**НУКУС – 2024**

**Фалсафа доктори (PhD) диссертацияси автореферати мундарижаси**

**Оглавление автореферата диссертации доктора философии (PhD)**

**Contents of Dissertation Abstract of the Doctor of Philosophy (PhD)**

**Реймова Минайым Калмурзаевна**

Хомиладор аёлларда турли хил шикастланишларнинг  
акушерлик жихатлари .....3

**Реймова Минайым Калмурзаевна**

Акушерские аспекты травмы различной  
этиологии у беременных .....34

**Reymova Minaym Kalmurzaevna**

Obstetrical aspects of different injuries  
in pregnant women .....63

**Эълон қилинган ишлар рўйхати**

Список опубликованных работ  
List of published works .....68

**ҚОРАҚАЛПОҒИСТОН ТИББИЁТ ИНСТИТУТИ ҲУЗУРИДАГИ  
PhD.04/30.06.2020.TIB.I16.01 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР  
БЕРУВЧИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

---

**БУХОРО ДАВЛАТ ТИББИЁТ ИНСТИТУТИ**

**РЕЙМОВА МИНАЙЫМ КАЛМУРЗАЕВНА**

**ҲОМИЛАДОР АЁЛЛАРДА ТУРЛИ ХИЛ ШИКАСТЛАНИШЛАРНИНГ  
АКУШЕРЛИК ЖИҲАТЛАРИ**

**14.00.01 – Акушерлик ва гинекология**

**ТИББИЁТ ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD) ДИССЕРТАЦИЯСИ  
АВТОРЕФЕРАТИ**

**НУКУС – 2024**

**Фалсафа доктори (PhD) диссертацияси мавзуси Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Олий аттестация комиссиясида №B2022.4. PhD/Tib3104 рақам билан рўйхатга олинган**

Диссертация Бухоро давлат тиббиёт институтида бажарилган.

Диссертация автореферати уч тилда (ўзбек, рус, инглиз (резюме)) Илмий кенгаш веб-саҳифасида ([www.kkmi.uz](http://www.kkmi.uz)) ва «ZiyoNet» ахборот-таълим порталида ([www.ziynet.uz](http://www.ziynet.uz)) жойлаштирилган.

**Илмий раҳбар:**

**Жабборов Улуғбек Узоқович**  
тиббиёт фанлари доктори

**Расмий оппонентлар:**

**Закирова Надира Исламовна**  
тиббиёт фанлари доктори, профессор

**Хусанходжаева Малика Турсунходжаевна**  
тиббиёт фанлари доктори

**Етакчи ташкилот:**

**Тошкент Тиббиёт Академияси**

Диссертация химояси Қорақалпоғистон тиббиёт институти ҳузуридаги PhD.04/30.06.2020.Tib.i16.01 рақамли Илмий кенгашнинг 2024 йил «\_\_\_\_\_» \_\_\_\_\_ соат \_\_\_\_\_ даги мажлисида бўлиб ўтади (Манзил: 230105, Нукус шаҳри, А.Досназаров кўчаси 106 уй, Тел/факс: (99861) 222-84-32/ 222-84-36, Веб-сайт, [www.kkmi.uz](http://www.kkmi.uz)).

Диссертация билан Қорақалпоғистон тиббиёт институти Ахборот-ресурс марказида танишиш мумкин (\_\_\_\_\_ рақам билан рўйхатга олинган) (Манзил: 230105, Нукус шаҳри, А.Досназаров кўчаси 106, Тел/факс: (99861) 222-84-32/ 222-84-36.).

Диссертация автореферати 2024 йил «\_\_\_\_\_» \_\_\_\_\_ куни тарқатилган.  
(2024 йил «\_\_\_\_\_» \_\_\_\_\_ даги \_\_\_\_\_ рақамли реестр баённомаси)

**О.А. Атаниязова**

Илмий даражалар берувчи  
илмий кенгаш раиси, тиббиёт  
фанлари доктори, профессор

**Р.Ж. Нарымбетова**

Илмий даражалар берувчи  
илмий кенгаш илмий котиби,  
тиббиёт фанлари номзоди,  
доцент

**М.К. Курбаназоров**

Илмий даражалар берувчи  
илмий кенгаш қошидаги илмий  
семинар раиси, PhD.

## КИРИШ (фалсафа доктори (PhD) диссертацияси аннотацияси)

**Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурияти.** Жаҳон миқёсида ҳомиладорлик вақтидаги шикастланишлар одатда ривожланган мамлакатларда оналар ўлими ва перинатал ҳомила ўлимининг асосий акушерлик билан боғлиқ бўлмаган сабаби сифатида тан олинади. Ҳомиладор аёллардаги травмалар жуда камдан-кам ҳолларда «...постсовет худудидаги муассасаларда илмий тадқиқот объекти бўлади. Узок хорижлик тадқиқотчилар бу масалага тез-тез муурожаат қилишади, чунки бу мамлакатларда оналар ўлимининг катта қисмини акушерлик билан боғлиқ бўлмаган ҳолатлар эгаллайди<sup>1</sup>». Шунингдек, “Америка Қўшма Штатларидаги 7348 та оналар ўлимининг 57% и акушерлик билан боғлиқ сабаблар туфайли бўлган бўлса, 27% ҳомиладорлик пайтидаги травмалар билан боғлиқ...”<sup>2</sup>

Дунё бўйича травма туфайли ҳомиладор аёлларда эрта туғиш ва ҳомиланинг ҳаётий кўрсаткичлари қониқарли ҳолатда касалхонадан чиқарилиши статистик жиҳатдан сезиларли даражада ошган. Бу ўз навбатида онадаги жароҳатларининг оғирлигига, ҳомиладорлик даври ва салбий прогностик маркерларнинг кучи билан боғлиқ бўлиб, кечки муддатларда ҳомиланинг перинатал ўлимига сабаб бўлади. (ҳомиладор аёлдаги гипотензия ва ҳомила брадикардияси).

Ҳомиладор аёллар учун жароҳатларнинг ахамияти, политравмаларда она ва ҳомила бачадон ичи ўлимининг жуда юқори бўлиши билан боғлиқ, лекин бундай беморларни дастлаб шошилиш клиникаларда қабул қилинганлиги сабабли бундай ҳолатлар акушер-гинекологларда жуда кам учрайди.

Мамлакатимизда ҳомиладор аёллар ва туғруқхоналарда шошилиш касалликларни эрта аниқлаш, сифатли ташхислаш ва даволаш бўйича комплекс кенг кўламли дастурлар амалга оширилмоқда. Хусусан, замонавий соғлиқни сақлашнинг асосий вазифаларидан бири «... шошилиш ҳолатларда беморларга юқори технологияли тез тиббий ёрдам кўрсатиш сифатини тубдан яхшилаш ва турларини кенгайтириш бўйича комплекс чора-тадбирларни амалга ошириш...»<sup>3</sup> бўлиб, қарор шошилиш тиббий ёрдам тизимида тиббиётнинг барча соҳаларида замонавий илмий тадқиқот фаолиятининг ютуқларини фаол жорий этишни назарда тутди. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2022-йил 28-январдаги ПФ-60-сонли «2022-2026-йилларда Янги Ўзбекистоннинг тараққиёт стратегияси тўғрисида»<sup>4</sup>ги фармонида болалар, репродуктив ёшдаги аёллар ва ҳомиладор аёлларга ғамхўрлик қилиш бўйича юқори технологияли тиббиёт тизими такомиллаштириш чора-тадбирлари кўзда тутилган.

Мазкур диссертация тадқиқоти маълум даражада низомларда белгиланган вазифаларни бажаришга хизмат қилиб, Ўзбекистон

<sup>1</sup> WHO U, UNFPA, World Bank Group and the United Nations Population Division, author. Trends in Maternal Mortality 2000 to 2017. 2019.

<sup>2</sup> Incident Coronary Heart Disease After Preeclampsia: Role of Reduced Fetal Growth, Preterm Delivery and Parity /H.K. Riise, G. Sulo, G.S. Tell [et al.] // J. Am. Heart Assoc. 2021;6 (2).

<sup>3</sup> Incident Coronary Heart Disease After Preeclampsia: Role of Reduced Fetal Growth, Preterm Delivery and Parity /H.K. Riise, G. Sulo, G.S. Tell [et al.] // J. Am. Heart Assoc. 2021;6 (2).

<sup>4</sup> <https://lex.uz/docs/5841063>

Республикаси Президентининг 2017 йил 20 июндаги ПҚ-3017-сонли «Ўзбекистон Республикаси аҳолисига 2017-2021-йилларда тиббий ёрдам кўрсатишга ихтисослаштирилган тиббиёт соҳаларини янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги, 2019-йил 8-ноябрдаги ПҚ-4513-сонли «Репродуктив ёшдаги аёллар, ҳомиладор аёллар ва болаларга кўрсатилаётган тиббий ёрдам сифатини ошириш ва қамровини янада кенгайтириш тўғрисида»ги, 2022 йил 25 апрелдаги ПҚ-216-сонли «2022-2026-йилларда оналик ва болаликни муҳофаза қилишни кучайтириш тўғрисида»ги қарорлари ва уларнинг ижросини таъминлашда муҳим аҳамиятга эга.

**Тадқиқотнинг республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига мослиги.** Ушбу тадқиқот республика фан ва технологияларини ривожлантиришнинг устувор йўналиши доирасида амалга оширилди. IV «Тиббиёт ва фармакология».

**Муаммонинг ўрганилганлик даражаси.** ЖССТ маълумотларига кўра, жароҳатлар оналар ўлими сабабларининг камида 18% ни ташкил қилади. Бу ҳомиладорлик даврида аёл организмнинг ўзига хос хусусиятлари ва сўнгги ўн йилликда инсоният ҳаётида сезиларли даражадаги урбанизация ва техниклаштириш, стресслар ва тез-тез таъсир қиладиган ташқи таъсирлар билан ўзгарган турмуш даражаси ва атроф-муҳит шароитлари билан боғлиқ. Ҳомиладор аёл танасини мослаштириш имкониятлари чекланганлигини ҳисобга олсак, ҳатто нисбатан кичик экологик ўзгаришлар ҳам ҳаддан ташқари кўпайиб, ҳомиладорликнинг шикастланиши ва патологиясига олиб келиши мумкин [Fadi G., 2018].

Қироллик акушерлик ва гинекологлар коллежи Президенти: "гарчи бу тадқиқот кенг масштабда Ирландиядаги туғилиш натижаларини кузатса-да, ҳомиладорлик пайтидаги бахтсиз ҳодисалар болани ўлик туғилиши ва эрта туғилиш хавфининг ошишига олиб келиши мумкин "дейди [Edward Morris ва бошқ., 2020].

Она ва боланинг ўлимининг акушерлик билан боғлиқ бўлмаган асосий сабаблари кўпинча комбинациялашган шаклда ёпиқ қорин бўшлиғи шикастланишлари (ҚБЗ), йўл-транспорт ҳодисаси (ЙТХ) (40-74,7%), йиқилиб тушиш ҳолатлари (9-22%) ва жисмоний зўравонлик (7,4-32,3%) билан намоён бўлади. Бироқ, шикастланишнинг оғирлиги ва ҳомиланинг бачадон ичи ўлими ўртасида аниқ ўзаро боғлиқлик йўқ. Кўпинча шикастланишлар ҳомиладорликнинг учинчи триместрида кузатилади ва энг кўп учрайдиган асоратлари йўлдошнинг ажралиши ва ҳомиланинг эрта туғилиши ҳисобланади. (25% гача) [Андреева М.Д., ва бошқ.2019].

Бир қатор муаллифларнинг фикрига кўра, бахтсиз ҳодисаларнинг оқибати, бахтсиз ҳодиса пайтида хавфсизлик камарларидан фойдаланилганда, яъни қориннинг пастки қисмига тақилганда унинг босими натижасида бачадоннинг травматик ёрилиш ҳолатлари кам учраши мумкинлиги айtilган. 148 нафар ҳомиладор аёл иштирокидаги йўл-транспорт ҳодисалари натижалари таҳлил қилинганда, оналар ўлими кузатилмаганда, 7 та ҳолатда ҳомиланинг нобуд бўлгани қайд этилган. Ҳомиланинг ўлими учун хавф омиллари: онанинг ёши катталиги, бахтсиз

ходиса пайтида хушдан кетиш ва чаноқ бўшлиғининг шикастланиши ҳисобланади.

Бачадоннинг ёрилиши она ва ҳомиланинг ҳаётига катта хавф туғдиради, аммо бу ҳолат қорин бўшлиғининг тўмтоқ травмаларида жуда кам учрайди. Шу асосда перитонит ҳам кам учрайдиган асоратлардан ҳисобланиб, унга кўпинча ичи бўш аъзоларнинг ёрилиши сабаб бўлади. [Барамия Н.Н., Рошдин Г.Г. ва бошқ., 2016].

Оғир оқибатларга олиб келишига қарамай, баъзи тадқиқотчилар операция қилинган барча 29та аёлда ҳомиладорликни сақлаб қолишга муваффақ бўлишган. Ҳомиладорлик даврида қорин бўшлиғининг тўмтоқ травмалари эрта ва кечки асоратлар билан намоён бўлади. Эрта туғилиш, йўлдошнинг ажралиши (ривожланиш хавфи шикастланишнинг оғирлиги билан ортади) каби дархол намоён бўладиган асоратлар бўлмаса ҳам, ҳомиладор аёллар кейинги даврда худди шундай асоратларнинг ривожланиши мумкинлиги сабабли диққат билан кузатилиши керак бўлади. [Волков В.Г., Бадаева А.А. ва бошқ., 2020].

Ҳозирги вақтда ҳомиладор аёлларда турли хил шикастланишлар ва уларни кечишини оғирлигига қараб улардаги гормонал ҳолат масалалари саволларига жавоб топилмаган. Бундай аёлларда турли хил жароҳатларни уларнинг перинатал давридаги ҳомиладорлик ҳолатига таъсири ва туғиш асоратларининг олдини олишга қаратилган маълумотлар етарли эмас. Мавжуд бўлган адабиётлар ушбу соҳадаги баъзи тадқиқотлар ҳақида маълумотларни ўз ичига олади, аммо турли хил шикастланишлар бўлган ҳомиладор аёлларда антенатал даврда ташхис қўйишнинг янги усуллари ҳақида маълумотлар топилмаган. Ушбу мавзу бўйича турли хил травмалари бўлган ҳомиладор аёлларда антенатал даврда ташхислаш учун маълумотларнинг етишмаслиги ушбу тадқиқотга сабаб бўлган.

**Диссертация мавзусининг диссертация бажарилган олий таълим муассасасининг илмий-тадқиқот ишлари режалари билан боғлиқлиги.** Диссертация иши Абу Али Ибн Сино номидаги Бухоро Давлат тиббиёт институтининг (06.2022 PhD 147) "COVID-19 дан кейин Бухоро вилояти аҳолиси соғлиғига таъсир қилувчи организмнинг патологик ҳолатларини эрта ташхислаш, даволаш ва олдини олишга мўлжалланган янги ёндашувларни ишлаб чиқиш" 2022-2026 йилларга мўлжалланган илмий-тадқиқот режаси асосида олиб борилди.

**Тадқиқот мақсади:** антенатал даврда ташхисни такомиллаштириш орқали ҳомиладор аёлларда турли этиологияли шикастланишларнинг акушерлик жиҳатларини ўрганиш.

**Тадқиқот вазифалари:**

Қорақалпоғистон Республикаси шошилиш тиббий ёрдам тизимига ётқизилган ҳомиладор аёлларда шикастланиш частотаси ва этиологик тузилишини ўрганиш;

ҳомиладор аёлларда шикастланиш характери ва унинг оғирлигига қараб ички аъзоларнинг шикастланиш хусусиятларини аниқлаш;

ҳомиладорликнинг кечиши ва натижалари учун прогностик аҳамиятини

баҳолаган ҳолда шикастланишнинг табиати ва оғирлигига қараб йўлдошдан ажраладиган гормонлар ва стресс гормонлари даражасидаги ўзгаришларни баҳолаш;

шикастланишнинг табиати ва оғирлигига қараб, ҳомиладорлик натижаларига салбий таъсирини аниқлаш;

шошилиш тиббий ёрдам хизмати тузилмаларида турли этиологияли жароҳатлари бўлган ҳомиладор аёлларга ҳомиладорлик даври ва жароҳатнинг оғирлигига қараб ёрдам кўрсатиш алгоритмларини ишлаб чиқиш киради.

**Тадқиқот объекти** сифатида 2020-2022-йилларда РШТЎИМ Қорақалпоғистон филиалига ётқизилган 65 нафар ҳомиладор аёл жалб этилган. Жароҳатлар таҳлили шуни кўрсатадики, йўл-транспорт ҳодисаларида ҳомиладор аёлларнинг 20 нафари (30,7 фоиз) тан жароҳати, 33 нафари (50,8 фоиз) маиший жароҳатлар, 12 нафари (18,5 фоиз) куйиш жароҳатлари олган. Назорат гуруҳида ҳомиладорликнинг иккинчи триместридаги 15 нафар соғлом ҳомиладор аёллар бўлган.

**Тадқиқот предмети (субстрат)** сифатида ҳомиладорликнинг биринчи, иккинчи ва учинчи триместрларида турли хил шикастланишлари бўлган ҳомиладор аёлларнинг веноз қони олинган.

**Тадқиқот усуллари.** Диссертация ишида клиник, инструментал (ультратовуш, доплерография, рентгенография, компьютер томографияси), лаборатория (умумий клиник, гормонал текширувлар) ва статистик тадқиқот усулларидан фойдаланилган.

**Тадқиқотнинг илмий янгилиги** куйидагилардан иборат:

Қорақалпоғистон Республикасида ҳомиладор аёллар ўртасида жароҳатланиш частотаси ва тузилиши биринчи марта ўрганилди. Кўриқдан ўтган ҳомиладор аёлларнинг 40 тасида (76,9%) таянч-ҳаракат аъзоларининг шикастланиши, 12 тасида (23,1%) экстрагенитал органларнинг шикастланиши, 7 тасида (13,4%) травматик шок қайд этилган;

куйишлар ва йўл-транспорт ҳодисалари билан шикастланган ҳомиладор аёлларда стресс гормони кортизол даражаси 2,4 дан юқори бўлиб, нормага нисбатан 1,8 марта ошган. Ҳомиладорлик даврига қараб, иккинчи триместрда жароҳат олган ҳомиладор аёлларда кортизолнинг энг юқори кўрсаткичи аниқланди. Ҳомиладорлик давридан қатъий назар, йўл-транспорт ҳодисалари ва куйишлар билан жароҳатланган ҳомиладор аёлларда нормага нисбатан ДЭАС кўрсаткичларининг икки бараварга сезиларли даражада камайишини кўрсатди;

ҳомиладорлик ёшидан қатъий назар, йўл-транспорт ҳодисалари ва куйишлар билан жароҳатланган ҳомиладор аёлларда, назорат гуруҳига нисбатан  $\beta$ -ХГ каби йўлдош гормонларининг 1,5 баравар камайиши маълум бўлган. Йўл-транспорт ҳодисалари ва термик травмалар бўлган ҳомиладор аёлларда ҳомиладорлик ёшидан қатъий назар, прогестерон даражаси ҳам назорат гуруҳига нисбатан 1,5-2 баравар сезиларли даражада камайган. Ҳомиладорликнинг биринчи триместрида йўл-транспорт ҳодисалари ва куйишлар билан ҳомиладор аёлларда назорат гуруҳига нисбатан фақат

эстриолнинг 1,5 баробар камайиши кузатилган;

Қорақалпоғистон Республикасида биринчи марта турли жароҳатлар олган ҳомиладор аёлларда акушерлик ва перинатал натижалари ўрганилди. Биринчи триместрда ўз-ўзидан ҳомила тушиши ва ҳомиладорлик тўхташининг юқори частотаси (38,8%), иккинчи триместрда бу кўрсаткич (33,3%), учинчи триместрда эса перинатал йўқотишларнинг паст фоизи қайд этилган (15,4%);

тез тиббий ёрдам хизмати тузилмасида ҳомиладорлик муддати ва жароҳатларнинг оғирлигига қараб турли этиологияли жароҳатлари бўлган ҳомиладор аёлларга ёрдам кўрсатиш алгоритми ишлаб чиқилди ва таклиф этилди.

**Тадқиқотнинг амалий натижалари** куйидагилардан иборат:

ҳомиладор аёлларда жароҳатларнинг частотаси ҳомиладорлик даврига боғлиқ эмас, чунки ҳомиладорлик даврига кўра шикастланишлар иккинчи триместрда энг кўп учрайди ва бу 44,6% ни ташкил қилади, биринчи триместрда эса ҳомиладор аёлларнинг 21,5%и жароҳатланган, учинчи триместрда эса бу кўрсаткич 33,8% ни ташкил қилади.

паритетга кўра, кўп марта ҳомиладор бўлган аёллар биринчи марта ҳомиладор бўлган аёлларга нисбатан турли хил шикастланишларга кўпроқ мойил бўлади. Бу эса аввалги ҳомиладорликдан орттирилган тажрибасини ва бундан ташқари, қариндошларининг диққатли ва эҳтиёткор муносабатда бўлишларини талаб қилади;

ҳар хил турдаги жароҳатлари бўлган ҳомиладор аёлларда йўлдош ва симпатико-адренал тизимнинг гормонал белгиларига асосланган ҳомиладорлик асоратлари ривожланишининг прогностик мезонлари ишлаб чиқилган ва бу амалий соғлиқни сақлашда жорий этилган.

**Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги.** Тадқиқот замонавий, бир-бирини тўлдирувчи морфологик ва статистик тадқиқот усулларининг тўғри қўлланганлиги, шунингдек морфологик материалнинг етарли миқдори, тадқиқот материаллари статистик усулларда қайта ишланганлиги, олинган натижаларнинг мамлакатимиз ва хорижий тадқиқотчиларнинг маълумотлари билан солиштирилганлиги, олинган натижалар ва хулосаларнинг ваколатли тузилмалар томонидан тасдиқланганлигига асосланади. Бундан ташқари, барча натижалар далилий тиббиёт принципларига асосланган.

**Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти.**

Тадқиқотнинг илмий аҳамияти назарий ва амалий билимларни чуқурлаштиришдан иборат бўлиб, бу шубҳасиз келажакда тадқиқот ўтказиш учун ижобий роль ўйнайди. Хусусан, йўл-транспорт ҳодисалари ва куйишлар билан шикастланган ҳомиладор аёлларнинг қонида ҳомила ўсишни тўхташи ва бошқа бир қатор ҳомиладорлик асоратларининг шаклланишига олиб келиши мумкин бўлган  $\beta$ -ХГ, прогестерон ва эстриол даражасининг пасайиши ҳақида маълумотлар ҳам аниқланган.

Маиший травмалар олган ҳомиладор аёлларда назорат гуруҳидаги ҳомиладор аёллардан фарқли ўлароқ, стресс гормонлари - кортизол ва ДЭАС концентрацияси, шунингдек йўлдош гормонлари даражаси-хорион

гонадотропин, прогестерон ва эстриол миқдори, ҳомиладорлик давридан катъи назар, статистик жиҳатдан сезиларли фарқларга эга эмас эди;

Симпатик-адренал тизимнинг гормонлари-кортизол ва дегидроэпиандростерон ҳам ўрганилди. Йўл-транспорт ходисалари ва куйишлар натижасида жароҳатланган ҳомиладор аёлларда ушбу гормонлар даражасининг пасайиши ҳомила аъзолари тизимининг ривожланишининг бузилишига олиб келиши аниқланди. Ҳомилада йўлдош гормонлари тизимининг ўзгариши ривожланмаган ҳомиладорликга ёки биринчи триместрда ҳам, иккинчи триместрда ҳам ҳомиладорликнинг тугашига олиб келади.

Тадқиқот натижаларининг амалий аҳамияти шундан иборатки, ушбу алгоритмлардан ҳомиладорлик даврига қараб ҳар хил турдаги жароҳатлар билан ҳомиладор аёлларни шошилиш тиббий ёрдам хизматини бошқариш, шунингдек, ҳар хил турдаги жароҳатлар олган ҳомиладор аёлларда симпатико-адренал тизим ва йўлдошдаги гормонал кўрсаткичлар натижаларини талқин қилишда янги услубий ёндашувлардан фойдаланиш мумкин.

**Тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши.** Турли хил шикастланишлари бўлган ҳомиладор аёлларда акушерлик ва перинатал натижаларни яхшилаш учун олинган илмий изланишларга асосланиб, йўлдош ва симпатико-адренал тизимларнинг гормонал параметрлари даражасини аниқлаш ишлаб чиқилган ва амалга оширилган:

«Ҳомиладор аёллардаги турли хилдаги шикастланишларда симпатико-адренал тизим ва йўлдошнинг гормонал ҳолати» (БухТИ Эксперт кенгашининг 2023 йил 18 июлдаги 23т/045-сонли хулосаси) кўрсатмасида берилган услубий тавсиялар ҳомиладорликнинг натижалари ва ҳолатини яхшилашга ёрдам беради. Шунингдек, ҳомиладор аёлларда турли хил жароҳатлар бўлганда улардаги асоратларни камайтиради.

Турли хил жароҳатлар олган ҳомиладор аёлларнинг акушерлик ва перинатал натижаларини яхшилашга қаратилган тадқиқот натижалари амалий соғлиқни сақлаш соҳасида, шу жумладан РШТЁИМ Хоразм филиали, РШТЁИМ Қорақалпоғистон филиали шошилиш гинекология бўлими ва Хоразм вилоят Перинатал маркази амалиётида (БухТИ Эксперт Кенгашининг 10.08.2023. 8 н-д / 27-сонли маълумотномаси) жорий этилди

**Тадқиқот натижаларининг апробацияси.** Ушбу тадқиқот натижалари 4 та илмий-амалий конференция, жумладан, 2 та халқаро ва 2 та республика илмий-амалий анжуманларида муҳокама қилинди.

**Тадқиқот натижаларининг эълон қилинганлиги.** Диссертация мавзуси бўйича 12 та илмий иш, жумладан 8 та илмий мақола, шу жумладан, 2 таси Ўзбекистон Республикаси Олий аттестация комиссияси томонидан докторлик диссертацияларининг асосий илмий натижаларини нашр этиш учун тавсия этилган хорижий журналларда чоп этилган.

**Диссертациянинг тузилиши ва ҳажми.** Диссертация 128 бет компьютер матнида тақдим этилган бўлиб, кириш, беш боб, хулоса, амалий тавсиялар, адабиётлар рўйхатидан иборат бўлиб, 136 та манбадан (117 та МДҲ давлатларидан) фойдаланилган. Диссертацияда 28 та жадвал ва 4 та чизма билан тасвирланган.

## ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ

**Кириш** қисмида диссертация иши мавзусининг долзарблиги ва аҳамияти асосланади, вазифалар, тадқиқот объекти ва предмети кўрсатилади, тадқиқотнинг Ўзбекистон Республикаси фан ва технологияси ривожланишининг устувор йўналишларига мувофиқлиги кўрсатилади, илмий янгилик тавсифланади ва тадқиқотнинг амалий натижалари, олинган натижаларнинг ишончлилигини асослайди, уларнинг назарий ва амалий аҳамиятини очиқ беради. Тадқиқот натижаларини амалиётга татбиқ этиш, ишнинг апробация натижалари, чоп этилган ишлар ва диссертация тузилиши бўйича материаллар келтирилган.

Диссертациянинг биринчи бобида **«Ҳомиладор аёллардаги жароҳатлар: муаммонинг замонавий жиҳатлари (адабиётларни таҳлили)»** сўнгги йилларда ушбу мавзу бўйича олиб борилган тадқиқотлар таҳлили келтирилган бўлиб, унда муаммонинг ҳозирги ҳолати бўйича маҳаллий ва хорижий адабиётлар маълумотлари таҳлил қилинади. Мамлакатимизда ҳам, хорижда ҳам ҳомиладор аёлларда травма муаммосининг ҳозирги ҳолати ҳақидаги маълумотларга алоҳида эътибор қаратилган. Турли хил этиологияли шикастланган ҳомиладор аёлларга шошилишч ёрдам кўрсатишнинг асосий ўринлари, ҳомиладорлик пайтида турли хил жароҳатларининг онанинг касаллигига ва ўлимига таъсири кўрсатилган. Шунингдек, ҳомиладор аёлларнинг шикастланишларида йўлдош ва буйрак усти гормонларининг роли ва тез ёрдам тиббиёти хизматида турли хил жароҳатлар билан шикастланган беморларни аниқлаш тўғрисида маълумотлар келтирилган.

Диссертациянинг **«Тадқиқот материаллари ва усуллари»** деб номланган иккинчи бобида тадқиқот объекти, предметлари ҳамда унда қўлланиладиган статистик усуллар келтирилган.

Илмий иш РШТЎИМ Қорақалпоғистон филиалида олиб борилди (директор – т.ф.н С. М. Бегалиев). Ҳомиладорлик пайтида жароҳатларнинг частотаси ва тузилишини ўрганиш учун 2020-2022 йилларда шошилишч гинекология, травматология, куйиш ва шошилишч жароҳатлик бўлимларида даволаниш учун касалхонага ётқизилган 65та ҳомиладор аёлларнинг тиббий варақалари таҳлил қилинди.


Тадқиқотда РШТЎИМ Қорақалпоғистон филиалига фавқулодда ҳолат сифатида қабул қилинган 19 ёшдан 37 ёшгача бўлган 65 та ҳомиладор иштирок этди.

Жароҳатларнинг табиатига кўра, беморлар куйидаги асосий 3 гуруҳга бўлинган: I гуруҳда 20 нафар ҳомиладор аёл (30,7%) пиёда, йўловчи ва ҳайдовчи шаклида йўл-транспорт жароҳатлари билан; II гуруҳда 33 нафар ҳомиладор аёл (50,8%) ички жароҳатлар, шу жумладан йиқилишлар билан, III гуруҳда 12 нафар ҳомиладор аёл (18,5%), ҳар хил турдаги термик куйишлар билан касалхонага ётқизилган. Назорат гуруҳида акушерлик ва соматик касалликлари бўлмаган 15 ҳомиладор аёл бўлган. Вазифаларни амалга ошириш учун тадқиқот бир неча босқичда ўтказилди:

Тадқиқотнинг I босқичида ташқи текшириш, эс-хушни баҳолаш, аускультация, перкуссия, пайпаслаш, скелет суякларидаги ўққа тушадиган оғирликни аниқлаш, АБ ни ўлчаш, пульс тезлигини аниқлаш, тана ҳароратини ўлчаш стандарт сифатида амалга оширилди. Анамнездаги олдинги ҳомиладорлик натижалар, соматик, акушерлик ва гинекологик маълумотлар, шикастланиш кечиши хусусиятлари ва оғирлик даражаси ҳам ўрганилди. Барча ҳомиладор аёлларга жаррох, травматолог, нейрохирург, уролог, торакал жаррох, терапевт, интенсив терапия мутахассиси ва комбустиолог каби тегишли мутахассислар маслаҳат беришди. Акушерлик текшируви ва лаборатория текширув усуллари ҳам ўтказилди.

Тадқиқотнинг II босқичида травмалар билан шикастланган ҳомиладор аёлларда ҳомила ривожланишининг прогностик мезонларини аниқлаш учун ультратовуш ва ҳомилада доплерометрия каби инструментал ва функционал текширувлар ўтказилди. Ультратовуш текшируви VOLUSON E8 (АҚШ) эксперт тоифадаги қурилмада ҳомиладорликнинг 7 дан 36 ҳафтасига қадар трансабдоминал текширув учун 3,5 Гц частотали қавариқ датчиклар ёрдамида амалга оширилди. Ҳомиладорлик даври, ҳомиланинг жойлашуви, йўлдошнинг катталиги ва ривожланганлик даражаси, цервикометрия, сероз бўшлиқларда эркин суюқлик мавжудлиги аниқланди. Фетометрик параметрлар ва амниотик суюқлик миқдори ҳам баҳоланди. Жароҳатдан кейинги 1-куни стероид стресс гормонлари кортизол ва ДЭАС концентрацияси ўрганилди, шунингдек, қон зардобиди инсон хорион гонадотропини, эстриол ва прогестерон каби йўлдош гормонлари аниқланди. Барча гормонал тадқиқотлар Нукус шаҳридаги “Grand Prime Medical” хусусий клиникаси лабораториясида ўтказилди. Тадқиқот MINDRAY MR-96A (Хитой) нинг иммунофермент анализатори, ДС-ИФА (Россия) тест тўпламлари ёрдамида иммунофермент усули ёрдамида амалга оширилди. Гормонлар концентрация калибрлаш эгри чизиғи ёрдамида автоматик равишда аниқланди ва нмоль/л да ўлчанди.

III босқичида ўрганиш жароҳатнинг турига ва ҳомиладорлик ёшига қараб ҳар хил турдаги шикастланишлар билан ҳомиладор аёлларнинг акушерлик ва перинатал натижалари ўрганиб чиқилди. Жабрланганларнинг гестация муддатига кўра, улар 7 дан 39 ҳафтагача бўлган ва 3 гуруҳга бўлинган (1-расм):



**1-расм. Турли хил травмалар олган ҳомиладор аёлларнинг гестация муддатлари(%)**

1-гурух биринчи триместрдаги 15 та ҳомиладор аёлдан (23,0%); 2-гурух иккинчи триместрдаги 26 та ҳомиладор аёлдан (40,0%); 3-гурух учинчи триместрдаги 24 та ҳомиладор аёлдан (37,0%) иборат. Шунингдек, ушбу босқичда ҳомиладорлик даврига, яъни шошилиш тиббий ёрдам хизматида I, II ва III триместрларга қараб ҳар хил турдаги жароҳатлари бўлган ҳомиладор аёлларни бошқариш алгоритми яратилди.

Олинган маълумотлар математик статистика усули билан қайта ишланди. Хусусан, бунда частотани таҳлил қилиш (%), вариацион статистика усуллари (ўртача арифметик (M), стандарт огиш (p), стандарт хато (m) ва бошқалар), дисперсияни таҳлил қилиш (т-мезон), корреляцион таҳлил (жуфт корреляция коэффиценти) каби усуллардан фойдаланилди.  $P < 0.05$ ,  $P < 0.01$  да сезиларли фарқлар тахмин қилинган. Клиник материални статистик қайта ишлаш "STATISTICA 10.0" статистик дастурий таъминот тўплами, Epi Info 7.2.2.2 статистик дастурий таъминоти ва "тиббий тадқиқотларда частотанинг ишончли оралиғини ва омил улушини ҳисоблаш" дастурий модули (Stud%) ёрдамида амалга оширилди.

Диссертациянинг учинчи боби «Ҳомиладор аёлларда шикастланиш хусусиятига ва унинг оғирлигига қараб аъзолар шикастланишининг клиник хусусиятлари». Клиник тадқиқот объектлари турли жойларда механик шикастланишлар билан йўл-транспорт ҳодисалари қурбонлари бўлган 20 киши бўлиб, бу турли хил жароҳатлар қурбонларининг 30,7% ни ташкил этади. Йўл-транспорт ҳодисаларига дучор бўлган ҳомиладор аёлларнинг асосий қисми йўловчилар тоифасига тўғри келиб бу – 46,9 фоизни, пиёдалар ва транспорт воситалари уриб кетганлар 34,8 фоизни, қолган 18,2 фоизи эса шахсий транспорт воситалари ҳайдовчилари бўлган.

### 1-жадвал

#### Ҳомиладорлик даврига ва иштирокчилар тоифасига қараб йул-транспорт ҳодисаларининг частотаси

Ҳомиладорлик муддати	Асосий гуруҳ			Назорат гуруҳи		
	abs	M±m,%	P	abs	M±m,%	P
I-триместр	15	23,08±5,23	Хи-квадрат = 3,169; p = 0,205	3	20±10,33	Хи-квадрат = 4,800; p = 0,091
II-триместр	26	40±6,08		9	60±12,65	
III-триместр	24	36,92±5,99		3	20±10,33	
P	Хи-квадрат Пирсона = 2,200; p = 0,333					

Гуруҳлардаги ҳомиладор аёлларнинг ўртача ёши 24,9±2,4, 24,8±2,5 ва 23,2±1,4 йил бутун гуруҳдаги - 24,1±2,3 йил билан статистик жиҳатдан сезиларли фарқларга эга эмас. Бахтсиз ҳодисага учраган ҳар учинчи аёлда (30,0%) 12 ҳафтадан олдин ҳомиладорлик ташхиси қўйилган, 40,0%ида 13 дан 27 ҳафтагача ва 30,0% ида 28 дан 40 ҳафтагача ҳомиладор бўлган. Биринчи марта ҳомиладорлик 7 та (35,0%), иккинчи марта ҳомиладорлик

13та (65,0%) бўлган.

Қабул қилгандан сўнг, ҳомиладор аёлларда шикастланишларнинг оғирлиги Injury Severity Score(ISS) шкаласи бўйича жароҳатнинг оғирлиги индекси ҳисоблаб чиқилди ва бахтсиз ҳодиса иштирокчиларининг тоифасига қараб Simplified Acute Physiology Score баллининг (SAPS II) умумий оғирлиги баҳоланди (2-жадвал).

**2-жадвал**

**Ҳомиладор аёлларнинг йул-транспорт ҳодиса иштирокчилари тоифасига қараб умумий аҳвол оғирлигини ва шикастланишнинг оғирлик индексини ISS баҳолаш**

Баҳолаш индекси (баллы)	ЙТХ қатнашчилари, n=20					
	пиёда, n=8 (%)		йўловчи, n=9 (%)		ҳайдовчи, n=3 (%)	
	Abs	M±m,%	abs	M±m,%	abs	M±m,%
<i>Қабул қилиш ҳолатини баҳолаш</i>						
Simplified Acute Physiology Score (SAPS II), баллар	21,13±0,99		16,44±0,85**		14±1,15***	
Injury Severity Score (ISS), баллар	15,63±1,12		14,56±0,56		13,33±0,33	
<i>Қабул қилинганидан 4 соатдан кейин</i>						
Injury Severity Score (ISS), баллар	6	75±15,31	3	33,33±15,71	1	33,33±27,22
	Пирсон бўйича Хи-квадрат = 3,333; p = 0,189					
	31,25±0,75 <sup>△△△</sup>		24,11±0,56* <sup>△△</sup>		22,67±0,33***	
<i>Қабул қилинганидан 24 соатдан кейин</i>						
Injury Severity Score (ISS), баллар	1	12,5±11,69	2	22,22±13,86	1	33,33±27,22
	Пирсон бўйича Хи-квадрат = 0,642; p = 0,725					
	23,75±0,73 <sup>△△△</sup>		17,56±1,02* <sup>△△△</sup>		17,67±0,33***	

Мак-Немара Критерияси, P	0,063	1,000	1,000
-----------------------------	-------	-------	-------

Эслатма: \* - пиёдага нисбатан ишончлилиқ фарқи кўрсатилган (\*\*\* - P<0,05; \*\* - P<0,01;

\* - P<0,001); <sup>x</sup> - йўловчига нисбатан (<sup>xxx</sup> - P<0,05; <sup>xx</sup> - P<0,01; <sup>x</sup> - P<0,001);

<sup>Δ</sup> - олдинги текшириш даврига нисбатан (<sup>ΔΔΔ</sup> - P<0,05; <sup>ΔΔ</sup> - P<0,01; <sup>Δ</sup> - P<0,001).

Ҳомиладор аёлларда ҳайдовчилар тоифасида ISS бўйича жароҳатлар оғирлик кўрсаткичи 13,33±0,51 балл, йўловчилар тоифасида 14,55±0,54 балл, пиёдалар тоифасида 15,68±0,48 балл (p>0, 05) ва оғирлик даражаси SAPS II шкаласи бўйича мос равишда 13,78±1,79, 16,44±1,54 ва 21,12±2,16 баллни ташкил этди (p>0,05).

Касалхонага ётқизилганидан 4 соат ўтгач, ҳолатнинг оғирлигини баҳолаш қон босимининг тизимли пасайиши ҳамда қон кетиш ва қон йўқотиш натижасида юрак уриш тезлигининг ошиши туфайли: 6 нафар (75,0%) ҳомиладор аёлларда пиёдалар тоифасида 31,2±3,1 балл, йўловчилар тоифасида 3 нафар (33,3%) ҳомиладор аёлларда 24,1±2,0 баллгача ва ҳайдовчилар тоифасида 1 нафар(33,3%) ҳомиладор аёлда мос равишда 22,5±2,0 баллгача ошди.

Қабул қилингандан кейин 24 соат ўтгач, ISS шкаласи бўйича жабрланганлар аҳволининг оғирлигини баҳолаш шуни кўрсатдики, тизимли яллиғланиш реакциясининг кучайиши, интоксикация ва полиорган етишмовчилиқ туфайли 4 нафар ҳомиладор аёлда (20,0%) аҳвол оғирлигича қолган.

Ҳомиладор аёлларнинг 80 фоизи тез тиббий ёрдам марказига йул-транспорт ҳодисасидан кейин бир соат ичида етиб келган, 20 фоизи эса 3 соат ичида келган. Касалхонага ётқизиш муддати 1 кундан 21 кунгача бўлган. Ҳомиладор аёлларнинг 50,0 фоизи 3 кундан кам, 30,0 фоизи 4 кундан 10 кунгача, 20,0 фоизи 10 кундан ортиқ даволанган.

Йул-транспорт ҳодисаси оқибатида тан жароҳатлари олиб ётқизилган 20 нафар ҳомиладор аёлдан 1 нафари йўловчи сифатида вафот этган, қолганлари қониқарли ҳолатда шифохонага ётқизилган. Ҳомиладор аёлларнинг ушбу гуруҳида умумий ўлим даражаси 5,0% ни ташкил этади. Ўлимнинг асосий сабаби: кучли қон кетиш, геморрагик ва травматик шок, ТТИҚИС синдроми бўлган.

Ҳомиладор аёллар жароҳатлари таҳлили шуни кўрсатадики, йўл-транспорт ҳодисасига учраган 20 нафар аёл орасида таянч-ҳаракат аъзоларининг турли жароҳатлари аниқланган. Шу билан бирга, ҳомиладор аёлларнинг 60 фоизида ички органларнинг экстрагенитал шикастланиши, жумладан нейротравма ва юз-жағ аппаратларининг шикастланиши аниқланган.

Шуни таъкидлаш керакки, йўл-транспорт ҳодисаларида шикастланган ҳомиладор аёлларнинг оёқ-қўлларининг синиши кўпинча пиёда сифатида 87,5±6,1 бўлган (3-жадвал).

**3-жадвал**

**Ҳомиладор аёлларда таянч-ҳаракат тизими жароҳатларининг частотаси  
ва табиатига қараб йул-транспорт ҳодисаси иштирокчиларининг  
тоифалари.**

Зарарланиш хусусиятига кўра	ЙТХ қатнашчилари, n=20						Пирсон Хи-квадрат	
	Пиёда, n=8		Йўловчи, n=9		Ҳайдовчи, n=3		Z	P
	abs	M±m, %	abs	M±m, %	abs	M±m, %		
Кўл-оёқ суякларининг синиши	7	87,5 ± 11,69	5	55,56 ± 16,56	1	33,33 ± 27,22	3,455	0,178
Чаноқ синиши	1	12,5 ± 11,69	1	11,11 ± 10,48	0	0±0	0,401	0,818
Умуртқа поғонаси синиши	1	12,5 ± 11,69	0	0±0	0	0±0	1,579	0,454
Кўкрак қаси ковурғаларни г синиши	5	62,5 ± 17,12	3	33,33 ± 15,71	2	66,67 ± 27,22	1,833	0,400
Бир нечта анатомик соҳаларнинг шикастланиши (Политравма)	5	62,5 ± 17,12	2	22,22 ± 13,86	1	33,33 ± 27,22	2,928	0,231
Бирлашган зарарланиш	7	87,5 ± 11,69	2	22,22 ± 13,86	1	33,33 ± 27,22	7,611	0,022

Йўл-транспорт ҳодисаларида жабрланганларнинг 2 нафарида (10,0%) чаноқ ва чаноқ суякларининг синиши аниқланган. Умуртқа поғонаси жароҳатланиши 1 (5,0%) ҳолатда аниқланган ва бу фақат пиёдалар тоифасида тасдиқланган 12,5±7,9 ( $p \geq 0,05$ ). Йўл-транспорт ҳодисаларида кўкрак қовурғаларининг синиши 50,0±6,1% ҳолларда аниқланиб, пиёда ва ҳайдовчилар тоифасидаги ҳомиладор аёлларда эса кўпроқ аниқланган - мос равишда 62,5±8,5 ва 66,6±13,6%. Айниқса, йўл-транспорт ҳодисалари иштирокчиларининг 40 фоизи политравмалар олган бўлиб (40,0±5,8%), шундан пиёдалар тоифасида мос равишда 62,5±10,1% бўлганлигини алоҳида таъкидлаш лозим. Бахтсиз ҳодисанинг ҳар иккинчи иштирокчиси бирлашган жароҳатларга эга бўлган - 50,0±6,1%, пиёдалар тоифасида эса бу кўрсаткичлар 87,5±4,2% ( $p \leq 0,05$ )га тенг.

Беморларни қабул қилиш вақтидаги асосий вазифалар қорин бўшлиғида эркин суяқликнинг мавжудлиги, локализацияси ва ҳажмини, ретроперитонеал гематомаларни аниқлаш, шунингдек, ультратовуш

ёрмаида паренхиматоз органларнинг шикастланишини аниқлаш ҳисобланади. Қорин бўшлиғи шикастланган барча беморларда қорин бўшлиғида яллиғланиш фонини, эркин суяқлик ва эркин газни аниқлаш учун қорин бўшлиғи органларининг рентгенограммаси ўтказилди. Ультратовуш ва рентгенография етарли даражада маълумот бермаганда, қорин бўшлиғи абзоларининг компьютер томографияси ўтказилди.

#### 4-жадвал

#### Ҳомиладор аёлларда йул-транспорт ҳодисаси иштирокчиси тоифасига қараб ички органларнинг зарарланиш частотаси ва характери

Зарарланиш характерига қараб	ЙТХ қатнашчилари, n=20						Пирсон бўйича Хи- квадрат	
	Пиёда, n=8		Йўловчи, n=9		Ҳайдовчи, n=3		Z	p
	abs	M±m,%	abs	M±m,%	abs	M±m,%		
Пневмо-, гемоторакс	2	25 ± 15,31	1	11,11 ± 10,48	1	33,33 ± 27,22	0,903	0,637
Кўкс оралиғи абзоларининг шикастланиши	0	0±0	1	11,11 ± 10,48	0	0±0	1,287	0,526
Ичак шикастланиши	1	12,5 ± 11,69	0	0±0	0	0±0	1,579	0,454
Талоқ ёрилиши	2	25 ± 15,31	1	11,11 ± 10,48	0	0±0	1,264	0,532
Жигар ёрилиши	1	12,5 ± 11,69	0	0±0	0	0±0	1,579	0,454
Ретроперитоне ал гематома	1	12,5 ± 11,69	0	0±0	0	0±0	1,579	0,454

Пневмо- ва гемоторакс кўринишидаги кўкрак қафаси шикастланиши 20,0±4,2% ҳолларда ташхиси қўйилган. Бундан ташқари, ушбу шикастланишлар йўл-транспорт ҳодисаси иштирокчиларининг барча гуруҳларида бир хил частотада содир бўлган ва статистик аҳамиятга эга эмас ( $p \geq 0,05$ ). Ички органлар шикастланишлари орасида талоқнинг ёрилиши 15,0±5,7%, жигар ёрилиши, ичак шикастланиши ва қорин парданинг гематомаси биттадан 12,5±9,1% ҳолларда аниқланган.

Ҳомиладор аёлларда мия травматик шикастланишининг частотаси ва табиати қуйидагича: йул-транспорт ҳодисасининг ҳар учинчи иштирокчисига бош-мия жароҳати (БМЖ) билан биргаликда умуртқа поғонаси шикастланиши ташхиси қўйилган ва бу  $35,5 \pm 5,5\%$  ни ташкил этган. Бу патология пиёдалар тоифасида мос равишда  $62,5 \pm 10,3\%$  ни ташкил қилган.

БМЖ частотаси юқори бўлиб,  $95,0 \pm 5,5\%$  ни ташкил этди, 13 ҳолатда ёпиқ БМЖ ташхиси қўйилган ва 6 ҳолатда очик БМЖ қайд этилган. Пиёдалар тоифаси иштирокчилари орасида кўпинча очик БМЖ  $50,0 \pm 9,1\%$  да, йўловчилар тоифаси иштирокчилари орасида ёпиқ БМЖ ташхис кўп қўйилган ва мос равишда  $77,7 \pm 4,4$  ( $p \leq 0,05$ ) бўлган. Барча бош-мия жароҳатлари орасида мия чайқалиши (40,0%) ва мия контузиялари (50,0%) ни ташкил қилади. Субдурал гематома ва эпидурал гематома йўл-транспорт ҳодисалари иштирокчилари орасида тенг частотада содир бўлган -15,0%.

БМЖ аниқланган барча беморлар қонининг газ таркибини ва гемодинамикани назорат қилган ҳолда сунъий вентиляция қилинган, чунки гипокапния мия томирларининг қўшимча торайиши ва мия ишемиясини кучайтириши мумкин. БМЖ учун жарроҳлик амалиёти комплекс даволашнинг бир қисми ҳисобланиб, мияни краниотомия қилиш орқали декомпрессиялаш ва вентрикуляр дренажни қўллаш орқали гематома ёки депрессив ёриқлар билан миянинг сиқилишини бартараф этишга қаратилган.

Касалхонага ётқизилган пайтдан бошлаб дастлабки 3 соат ичида аёлларнинг 83,3 фоизида жарроҳлик амалиётлари амалга оширилди. Жарроҳлик амалиёти турлари қуйидагича тақсимланди: краниотомия - 15,0%, лапаротомия ва лапароскопия - 35,0%, торакотомия -20,0%.

Маиший жароҳат сабаблари таҳлили шуни кўрсатадики, 7 нафар аёл (21,2 фоиз) ер юзасига (кўчада, уйда, квартирада, ҳовлида) йиқилиб тушиши натижасида турли тан жароҳатлари олган, 22 нафар ҳомиладор аёл (66,6 фоиз) ) - калтаклаш ёки пичоқ билан жароҳат олиш натижасида, 4 нафар аёл (12,1%) - зинапоядан йиқилиш натижасида бўлган.

Маиший жароҳатлардан шикастланган аёлларнинг ўртача ёши  $26,6 \pm 4,0$  ёшни ташкил этади. Бундан биринчи марта ҳомиладор бўлган аёллар 17 (51,5%)ни ва 15 (48,5%)ни кўп марта ҳомиладор аёллар ташкил қилган. Аёлларнинг 21,2 фоизи 6 дан 12 ҳафтагача, 39,4 фоизи 13 дан 27 ҳафтагача, қолган 39,3 фоизи 28 дан 40 ҳафтагача ҳомиладор бўлган.

Юзага йиқилиш натижасида маиший жароҳат олган аёллар гуруҳида ўртача ёш  $24,7 \pm 1,3$  ёшни, зинапоядан йиқилиш гуруҳида  $27,3 \pm 1,4$  ёшни, калтакланиш + пичоқ жароҳатлари билан эса  $25,9 \pm 3,1$  йил ни ташкил этади.

## 5-жадвал

### Ҳомиладорликнинг триместрига қараб ички жароҳатларнинг частотаси

Гестация муддати	Маиший жароҳатлари бўлган ҳомиладор аёллар n=33		
	Уриш + пичоқ жароҳатлари n=22	Зинадан йиқилиш n=4	Юзага йиқилиш n=7

	abs	M±m, %	abs	M±m, %	abs	M±m, %
I-триместр	4	18,18±8,22	2	50±25	0	0±0
II-триместр	7	31,82±9,93	1	25±21,65	4	57,14±18,7
III-триместр	11	50±10,66	1	25±21,65	3	42,86±18,7
P	Пирсон бўйича Хи-квадрат = 5,077; p = 0,280					
Жами	22	66,67±8,21	4	12,12±5,68	7	21,21±7,12
Ўртача ёши		27,64±1,17		30±4,18		22,71±2,22

Агар юзадан йиқилиш ҳоллари ҳомиладорликнинг иккинчи триместрида содир бўлса -71,4%, зинадан йиқилиш кўпинча биринчи триместрда содир бўлган - 50,0%. Калтакланиш ҳолатлари кўпинча ҳомиладорликнинг учинчи триместрида содир бўлиб, 50,0% ҳолатларни ташкил қилади.

Шикастланган ҳомиладор аёлларнинг аксарияти 51,0% (28) жароҳатдан кейинги биринчи соат ичида касалхонага ётқизилган. Уларнинг 41,2 фоизи юзалиқдан йиқилиш, 66,6 фоизи зинапоядан йиқилиш, 72,7 фоизи эса калтаклаш ва пичоқ билан жароҳатлардан кейин содир бўлган.

Жароҳатдан кейинги дастлабки соатларда 17 нафар ҳомиладор аёл (51,5%) касалхонага ётқизилган. Аёлларнинг 42,4 фоизи (14) 3 соат ичида касалхонага келтирилган. Фақат 2 та ҳолатда (6,0%) аёллар калтакланганидан кейин ёрдам сўраган.

Касалхонага ётқизиш муддати ҳар хил - 3 кундан 17 кунгача бўлган. Маиший жароҳатлар бўлган гуруҳдаги ўртача касалхонада ётқизилган куни  $8,3 \pm 3,8$  кунни ташкил этди. Шундай қилиб, калтакланганлар гуруҳида касалхонада ўртача бўлиш вақти  $7,2 \pm 7,1$  ётоқ кунини, зинадан йиқилган аёллар гуруҳида  $12,6 \pm 5,1$  кунини, калтакланган ҳомиладор аёлларда эса ўртача касалхонада қолиш муддати  $15,8 \pm 8,1$  кунни ташкил этди.

Беморларни касалхонага ётқизгандан сўнг, Simplified Acute Physiology Score (SAPS II) ёрдамида вазиятнинг умумий оғирлигини баҳолади ва жароҳатларнинг жиддийлик индекси Injury Severity Score (ISS) шкаласи ёрдамида ҳисоблаб чиқилди (6-жадвал).

#### 6-жадвал

#### Маиший жароҳати бўлган ҳомиладор аёллар умумий ахволининг оғирлигини ва шикастланишининг оғирлик индексини баҳолаш

Баҳолаш шкаласи (баллар)	Маиший жароҳати бўлган ҳомиладор аёллар n=33		
	Уриш + пичоқ жароҳатлари, n=22	Зинадан йиқилиш, n=4	Юзага йиқилиш, n=7

	abs	M±m, %	abs	M±m, %	abs	M±m, %
<b>Қабул қилиш ҳолатини баҳолаш</b>						
1 соат олдин	9	40,91±10,48	3	75±21,65	5	71,43±17,07
3 соат олдин	11	50±10,66	1	25±21,65	2	28,57±17,07
